

# Кофирларни дўст тутиш — ҳаромдир!

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]



Муҳаммад Солиҳ  
ал-Мунажжид



Таржимон: Абу Жаъфар ал-Бухорий  
Муҳаррир: Абу Абдуллоҳ Шоший

# تحريم موالاة الكفار

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]



الشيخ محمد صالح المنجد



ترجمة: أبو جعفر البخاري  
مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

## Кофирларни дўст тутиш — харомдир!

**Савол:** Сиздан «Кофирларни дўст тутиш — харомдир» жумласидан мақсад нима эканини мисоллар билан батафсил тушунтириб беришингизни илтимос қиламиз?

### Жавоб:

Алҳамдулиллаҳ ...

Тўғри, мисоллар масалани яна ҳам ойдинлатиб беради. Шунинг учун мисоллар келтиришни бошлаймиз ва илм аҳллари ва даъват имомлари эслатиб ўтган кофирларни дўст тутиш кўринишларини нақл қиламиз:

◆ **Кофирларнинг куфрига розилик ёки шубҳада бўлиш ёхуд уларни кофир ҳисоблашдан бош тортиш ёда уларнинг динларини мақташга журъат этиш.**

Аллоҳ таоло кофирларнинг куфрига рози бўлган одам ҳақида:

﴿ وَلَكِنْ مَنْ شَرَحَ بِالْكُفْرِ صَدْرًا ﴾

«**Ким Аллоҳга иймон келтирганидан кейин (яна қайтиб) кофир бўлса (Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлур)**» – деди (Наҳл: 106).

Аллоҳ таоло тоғутга кофир бўлишни:

﴿ فَمَنْ يَكْفُرْ بِالطَّاغُوتِ وَيُؤْمِنْ بِاللَّهِ فَقَدِ اسْتَمْسَكَ بِالْعُرْوَةِ

الْوُثْقَىٰ

«Бас, ким шайтондан юз ўгириб, Аллохга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди» (Бақара: 256) дея фарз ва шарт қилган бўлса, муширикларни мусулмонлардан устун кўрган яхудийлар ҳақида:

﴿ وَيَقُولُونَ لِلَّذِينَ كَفَرُوا هَؤُلَاءِ أَهْدَىٰ مِنَ الَّذِينَ آمَنُوا سَبِيلًا ﴾

«Китобдан насибадор бўлган кимсаларнинг бут ва санамларга сиғинаётганларини ҳамда кофир кимсалар ҳақида: «Ўшалар иймон эгалари бўлган мусулмонлардан кўра туғрироқ йўлдалар», деяётганларини кўрмадингизми?» – деган (Нисо: 51).

◆ **Кофирларга ҳукм қилишлари учун мурожаат этиш.**

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ يُرِيدُونَ أَنْ يُتَحَاكَمُوا إِلَى الطَّاغُوتِ وَقَدْ أُمِرُوا أَنْ يَكْفُرُوا بِهِ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), ўзларини сизга нозил қилинган нарсага (Қуръонга) ва сиздан илгари нозил қилинган нарсаларга иймон келтирган деб ҳисоблайдиган (айрим) кимсаларнинг шайтонга ҳукм сўраб боришни

истаётганларини кўрмадингизми? Ҳолбуки, уларга унга ишонмаслик буюрилган эди. (Чунки) шайтон уларни бутунлай йўлдан оздиришни истайди» (Нисо: 60).

◆ Кофирлар билан дўстлашиш ва уларни севиш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ لَا تَجِدُ قَوْمًا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ يُوَادُّونَ مَنْ حَادَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَلَوْ كَانُوا آبَاءَهُمْ أَوْ أَبْنَاءَهُمْ أَوْ إِخْوَانَهُمْ أَوْ عَشِيرَتَهُمْ ﴾

«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг пайғамбари чизган чизиқдан чиққан кимсалар билан — гарчи улар ўзларининг оталари, ёки ўғиллари, ёки оғанилари, ёки қариндош-уруғлари бўлсалар-да — дўстлашаётганларини топмассиз» (Мужодала: 22).

◆ Кофирларга таяниш, уларни суянчиқ қилиб олиш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَلَا تَرْكَنُوا إِلَى الَّذِينَ ظَلَمُوا فَتَمَسَّكُمُ النَّارُ ﴾

«Зулм йўлини тутган кимсаларга берилиб кетманглар (эргашманглар). Акс ҳолда сизларга дўзах ўти етар» (Худ: 113).

◆ Кофирларга мусулмонлар зарарига ёрдам ва кўмак бериш.

Аллоҳ таоло:

﴿ وَالْمُؤْمِنُونَ وَالْمُؤْمِنَاتُ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ ﴾

«Мўмин ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар», деган бўлса (Тавба: 71), кофирлар ҳақида:

﴿ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ ﴾

«Кофир бўлган кимсалар бир-бирларига ҳамкордирлар» (Анфол: 73) ва:

﴿ وَمَنْ يَتَوَلَّهُمْ مِنْكُمْ فَاِنَّهُ مِنْهُمْ ﴾

«Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир», – деган (Моида: 51).

◆ Кофирларнинг жамиятларига уйғунлашиш, партияларига аъзо бўлиш, уларнинг сонини кўпайтириш, (бирон заруратсиз) улар яшаётган давлат фуқаролигини қабул қилиш, армияларида хизмат қилиш ва ҳарбий саноатларини ривожлантиришга ҳисса қўшиш.

◆ Кофирларнинг қонунларини Ислom ўлкаларига олиб келиш ва у билан ҳукм қилиш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ أَفْحَكَمَ الْجَاهِلِيَّةَ يَبْغُونَ ﴾

«Динсизлик ҳукмрон бўлишини истайдиларми?!» (Моида: 50).

◆ **Кофирларни бутунлай яхши кўриш, уларни ёрдамчи ва кўмакчи қилиб, ўз тақдирини уларга боғлаш.**

Аллоҳ таоло буни таъқиқлаб шундай деди:

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّخِذُوا الْيَهُودَ وَالنَّصَارَىٰ أَوْلِيَاءَ بَعْضُهُمْ

﴿ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ

«Эй мўминлар, яхудийлар ва насронийларни дўст тутмангиз! Уларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар» (Моида: 51).

◆ **Кофирлар билан Ислом дини зарарига мураса қилиш.**

Аллоҳ таоло:

﴿ وَذُؤَالُو تَذُهِنُ فَيَذُهِنُونَ ﴾

«Улар сизнинг (ўзларига) кўнгилчанлик-мураса қилишингизни истарлар, шунда улар ҳам (сизга) кўнгилчанлик қилурлар. (Лекин сиз уларнинг бу истакларига бўйинсунманг!)» – деди (Қалам: 9). Бу ҳукмга Аллоҳнинг оятларини масхара қилаётган

кофирлар билан бирга ўтириш ва уларнинг хузурига кириш ҳам киради. Аллоҳ тало айтди:

﴿ وَقَدْ نَزَّلَ عَلَيْكُمْ فِي الْكِتَابِ أَنْ إِذَا سَمِعْتُمْ آيَاتِ اللَّهِ يُكْفَرُ  
بِهَا وَيُسْتَهْزَأُ بِهَا فَلَا تَتَعَدُوا مَعَهُمْ حَتَّىٰ يَخُوضُوا فِي حَدِيثٍ غَيْرِهِ  
إِنَّكُمْ إِذَا مِثْلَهُمْ ﴾

«Ахир Аллоҳ сизларга Китобда: «Қачонки Аллоҳнинг оятлари инкор қилинаётганини ва масхара қилинаётганини эшитсангизлар, то бошқа гапга ўтмагунларича ундай кимсалар билан бирга ўтирманглар», деган сўзларни нозил қилган эди-ку?! (Модомики, улар билан ўтирган экансиз), демак, сизлар ҳам шак-шубҳасиз уларнинг ўзисиз» (Нисо: 140).

◆ Кофирларни мусулмонларни қўйиб сирдош ва маслаҳатчи қилиб олиш ва уларга бутунлай ишониш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّخِذُوا بِطَانَةَ مَنْ دُونِكُمْ لَا يَأْلُونَكُمْ  
خَبَالًا وَدُّوَا مَا عَيْنْتُمْ قَدْ بَدَتِ الْبَغْضَاءُ مِنْ أَفْوَاهِهِمْ وَمَا تُخْفِي  
صُدُورُهُمْ أَكْبَرُ قَدْ بَيَّنَّا لَكُمْ الْآيَاتِ إِنْ كُنْتُمْ تَعْقِلُونَ • هَا أَنْتُمْ  
أَوْلَاءُ تُحِبُّونَهُمْ وَلَا يُحِبُّونَكُمْ وَتُؤْمِنُونَ بِالْكِتَابِ كُلِّهِ وَإِذَا لَقُوكُمْ



قَالُوا آمَنَّا وَإِذَا خَلَوْا عَضُّوا عَلَيْكُمُ الْأَنَامِلَ مِنَ الْغَيْظِ قُلْ مُوتُوا  
بِعَيْظِكُمْ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ بِذَاتِ الصُّدُورِ • إِنَّ تَمَسَّسَكُمْ حَسَنَةٌ  
تَسُوهُمْ وَإِنْ تُصِيبَكُمْ سَيِّئَةٌ سَيِّئَةٌ يَفْرَحُوا بِهَا ﴿

«Эй мўминлар, ўзларингни кўйиб, (у мунофиқларни) сирдош дўст тутманглар! Улар сизларга зарар етказишда кучларини аямайдилар ва ёмон ҳолга тушишингизни орзу қиладилар. Уларнинг сизларни ёмон кўришлари оғизларидан ошкор бўлди. Дилларидаги адоватлари эса янада каттароқдир. Агар ақл юргизсангизлар сизлар учун оят-аломатларни аниқ-равшан қилиб бердик. Ҳой (мўминлар), сизлар уларни яхши кўрасизлар-у, улар сизларни суймайдилар. Сизлар ҳамма китобларга иймон келтирасизлар-у (улар сизларнинг китобингизга иймон келтирмайдилар). Сизларга йўликқанларида: «иймон келтирдик», дейишади. Ўзлари ҳоли қолишганда эса сизларни қаттиқ ёмон кўрганлари сабабли бармоқларини тишлайдилар. (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, уларга): «Шу адоватларинг билан ўлиб кетинглар!» — деб айтинг! Албатта Аллоҳ дилларни эгаллаган сирларни билгувчидир. Агар сизларга бирон яхшилик тегса, бу уларни хафа қилади ва бошингизга мусибат етса, севинишади» (Оли Имрон: 118 – 120).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муҳтарама рафиқаси Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қилади:

– Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Бадр сари отландилар. Ҳарратул Вабра деган жойга етганларида жасоратли ва кўркмаслиги билан танилган бир одам етиб келди. Саҳобалар уни кўриб севиндилар. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: Сизга эргашиш ва ёнингизда ҳалок бўлиш учун келдим, – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Аллоҳ ва Расулига иймон келтирдингми?»** – деб сўрадилар. У: Йўқ, – деб жавоб берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Орқанга қайт! Мен мушрикдан фойдаланмайман!»**, – деб йўлларида давом этдилар. (Бир) дарахтнинг тагига етиб борганимизда ҳалиги одам (яна) етиб келди ва аввалги гапларини айтди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (яна): **«Қайт, мен мушрикдан ёрдам олмайман!»**, – дедилар. Одам (орқасига) қайтди ва Байдо (ялангиликка) етиб келганларида яна келди ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аввалги гапларини такрорладилар: **«Аллоҳ ва Расулига иймон келтирдингми?!»**. Одам: Ҳа, – дегач Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«(Биз билан) юр!»** – дедилар (Имом Муслим 3388).

Ушбу насслардан кофирларга мусулмонларнинг аҳволларидан огоҳ, сирларидан воқиф қилиб, мусулмонларга зарар бериш учун турли хийлаларни қилишга имкон яратиб берадиган мансабларни бериш ҳаром экани яққол кўринади.

◆ **Кофирларга мусулмонларга раҳбарлик, мувахҳидлар устидан ҳукм қилувчи ва мусулмонларни хўрловчи, мусулмонлар билан ибодатлари ўртасига ғов қўядиган бошқарув мансабларини бермаслик.**

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَلَنْ يَجْعَلَ اللَّهُ لِلْكَافِرِينَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا ﴾

**«Ва Аллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига йўл бермагай» (Нисо: 141).**

Имом Аҳмад раҳимахуллоҳ Абу Мусо Ашъарий разияллоҳу анҳунинг ушбу ривоятини нақл қилди: Мен Умар разияллоҳу анҳуга: Менинг насроний котибим бор, – десам: Аллоҳ сени ўлдирсин, Аллоҳнинг:

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّخِذُوا الْيَهُودَ وَالنَّصَارَىٰ أَوْلِيَاءَ بَعْضُهُمْ

﴿ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ

**«Эй мўминлар, яҳудийлар ва насронийларни дўст тутмангиз! Уларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар» (Моида: 51) оятини эшитмаганмисан?! Ҳақ йўлга ўтган биронтасини котиб қилиб олсайдинг?!, – деди. Мен: Котиблиги менга, дини эса ўзига!, – десам: Аллоҳ уларни хор қилган экан, мен уларни хурматли қилмайман! Аллоҳ уларни хўрлаган экан, мен уларни азиз қилмайман! Аллоҳ уларни**

йироқлатган экан, мен уларни яқинлаштирмайман!, – деди.

Шунингдек, ҳозирги кундаги кофирларни хонадонларга хизматчи ўлароқ олиб келиш, уларнинг уйнинг нозик тарафларидан вокифликлари, мусулмон фарзандларни куфр асосида тарбиялашлари, уларни мусулмонлар яшаётган диёрларга олиб келиб хизматчи, ҳайдовчи, ўқитувчи ва ишчи мақомларини бериш, мусулмон оила билан аралашиб юришлари, бундан ташқари болаларни куфр ўргатадиган мактабларга, миссионерлик курслари, институтлари ва дорулфунунларига қайд этириш ва кофир оилалар билан бирга яшаш, шу ҳукмдадир.

◆ **Кофирларга кийиниш, ташқи кўриниш, гапириш ва бошқа ҳолатларда менгзаш ҳам кофирларга бўлган муҳаббатни ифодалайди.**

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Ким бир қавмга ўхшаса, бас, у улардан биридир**», – деганлар. Шу боис кофирларга уларнинг хусусиятларидан бўлган одатлари, ибодатлари, белгилари, ахлоқлари, масалан, соқолларни кириш, мўйлабларни узайтириш, зарурат бўлмаса тилларида гапириш, кийиниш тарзлари, ейиш, ичиш ва бошқа нарсаларда менгзаш, ҳаромдир.

◆ **Кофирлар қалин яшайдиган ўлкаларда бирон ҳожат ва зарурат бўлмай истиқомат қилиш.**

Шунинг учун ҳам, ўзининг диний анъаналарини ошқора қила олмайдиган ва ҳижрат қилишга кучи етадиган заиф иймонли мусулмонларнинг кофирлар

мухитида яшашлари, ҳаромдир. Аллоҳ таоло улар ҳақида шундай деган:

﴿ إِنَّ الَّذِينَ تَوَفَّاهُمُ الْمَلَائِكَةُ ظَالِمِي أَنْفُسِهِمْ قَالُوا فِيمَ كُنْتُمْ  
 قَالُوا كُنَّا مُسْتَضْعَفِينَ فِي الْأَرْضِ قَالُوا أَلَمْ تَكُنْ أَرْضَ اللَّهِ وَاسِعَةً  
 فَتُهَاجِرُوا فِيهَا فَأُولَئِكَ مَأْوَاهُمْ جَهَنَّمُ وَسَاءَتْ  
 مَصِيرًا • إِلَّا الْمُسْتَضْعَفِينَ مِنَ الرِّجَالِ وَالنِّسَاءِ وَالْوِلْدَانِ لَا  
 يَسْتَطِيعُونَ حِيلَةً وَلَا يَهْتَدُونَ سَبِيلًا • فَأُولَئِكَ عَسَى اللَّهُ أَنْ  
 يَعْفُوَ عَنْهُمْ وَكَانَ اللَّهُ عَفُورًا غَفُورًا ﴾

«Албатта мусулмонлар билан бирга ҳижрат қилмасдан кофирлар қўл остида яшашга рози бўлиш билан ўз жонларига жабр қилган кимсаларнинг жонларини олиш чоғида фаришталар уларга: «Қандай ҳолда яшадингиз?» — деганларида: «Биз бу ерда чорасиз бечоралар эдик», дедилар. (Шунда фаришталар): «ҳижрат қилсанглар Аллоҳнинг ери кенг эдику?! (Нега дину иймонларингиз йўлида бу юртдан ҳижрат қилмадинглар?)» — дейишди. Бундайларнинг жойлари жаҳаннамдир. Қандай ёмон жойдир у! Фақат бирон чора топишга қодир бўлмай, ҳижрат йўлини истаб топа олмай чорасиз қолган кишилар, аёллар ва болалар борки, бундайларни шояд Аллоҳ авф этса. Зотан, Аллоҳ авф этгувчи, мағфират қилгувчи бўлган зотдир» (Нисо: 97 – 99).

Аллоҳ таоло куфр диёрида ҳижрат қилишга кодир бўлмаган ночор мусулмонларнинггина истиқомат қилишларини узр деб белгилади. Шунингдек, у диёрларда Аллоҳ йўлига чорлаш ва ўша ўлкаларда Ислом динини ёйиш каби диний манфаатлари бўлган одамларга ҳам истиқомат қилиш узри берилган.

Кофирлар яшаётган ўлкаларга бормоқчи бўлган одамга ўзида шубҳаларни даф қиладиган билими, шахватларни тўсадиган иймони бўлиши, мусулмонлиги билан иззатли, фитна ўринларидан йироқ, душманларнинг макру ҳийлаларидан огоҳ бўлиши шарт қилинади. Бинобарин, у ўлкаларга Аллоҳ йўлига даъват қилиш ва Исломни ёйиш учун саёҳат қилиш ҳам, жоиз балки фарздир.

◆ **Кофирларни макташ, уларни мудофаа қилиш, уларнинг маданият ва савияларини олқишлаш, ботил эътиқод ва фосид динларига эътибор бермай ахлоқ ва маҳоратларига лол қолиш.**

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَلَا تَمُدَّنَّ عَيْنَيْكَ إِلَىٰ مَا مَتَّعْنَا بِهِ أَزْوَاجًا مِنْهُمْ زَهْرَةَ الْحَيَاةِ

الدُّنْيَا لِنَفْسِنَهُمْ فِيهِ وَرِزْقُ رَبِّكَ خَيْرٌ وَأَبْقَىٰ ﴾

«Сиз кўзларингиз (кофирлардан айрим) тоифаларни фитнага солиш учун баҳраманд қилган — ҳаёти дунё гўзалликларидан иборат нарсаларга тикманг! Парвардигорингизнинг ризқи яхшироқ ва боқийроқдир» (Тоҳа: 131).

Шунингдек, кофирларни эъзозлаш, қахрамонлик ифодасидаги лақабларни тақиш, уларга биринчи бўлиб салом бериш, йиғинлар ва йўллардан ўтишда уларни муқаддам кўйиш ҳам бордир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақда: **«Яҳудий ва насронийларга биринчи бўлиб салом берманглар! Агар улардан биронтасига йўлда дуч келсангиз, уни энг тор тарафидан ўтишга мажбурланглар!»** – деганлар (Имом Муслим 4030).

◆ **Кофирларнинг тақвимига амал қилиб, муслмонларнинг шонли тарихларини тарк этиш.**

Анъана ва Янги йил байрами каби милодий байрамларни ифодалайдиган куфр тақвимларига таяниш. Ҳолбуки, Янги йил байрами уларнинг эътиқодида Ийсо алайҳиссаломнинг таваллуди билан чамбарчас боғланган бўлиб, уни ўзлари ўйлаб топишган. Уни байрам қилиш Ийсо алайҳиссаломнинг динида йўқдир. Бу тақвимни истеъмол қилиш насронийларнинг шиор ва байрамларини қайта жонлантиришда иштирок этиш, демакдир. Ҳолбуки, саҳобаларнинг Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анхунинг халифалик даврида Ислом солномасининг бошланиши учун кофирлар тақвимидадан воз кечиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Мадинага қилган ҳижратлари билан тайинлаши, бу ва ғайри динларнинг ўз хусусиятларидан ҳисобланган бошқа мавзуларда ҳам мўминларнинг кофирларга муҳолиф бўлишларининг фарз эканига далолат қилади. Аллоҳ барчамизга бу масалаларда мададкор бўлсин!

◆ **Кофирларнинг байрамларида иштирок этиш ёки ёрдам бериш ёхуд байрамлари билан табриклаш ёда байрам ўтказилаётган маконларга бориш.**

Муфассирлар Аллоҳ таолонинг:

﴿ وَالَّذِينَ لَا يَشْهَدُونَ الزُّورَ ﴾

«Улар (яъни Раҳмоннинг суюкли бандалари) ёлғон гувоҳлик бермаслар» (Фурқон: 72) оятидаги «ёлғон гувоҳлик бермас»ликдан мақсад, «кофирларнинг байрамлари» эканини баён қилишган.

◆ **Кофирларнинг хунук исмларини қўймаслик.**

Чунки, Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва саллам Абдулуззо (Уззонинг қули) ва Абдул-каъба (Каъбанинг қули) каби ширкни ифодалаган исмларни ўзгартирганлар.

◆ **Кофирлар учун гуноҳларининг мағфирати ва Аллоҳнинг раҳматини тилаш.**

Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган:

﴿ مَا كَانَ لِلنَّبِيِّ وَالَّذِينَ آمَنُوا أَنْ يَسْتَغْفِرُوا لِلْمُشْرِكِينَ وَلَوْ كَانُوا أُولِي قُرْبَىٰ مِنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُمْ أَنَّهُمْ أَصْحَابُ الْجَحِيمِ ﴾

﴿ مَا كَانَ لِلنَّبِيِّ وَالَّذِينَ آمَنُوا أَنْ يَسْتَغْفِرُوا لِلْمُشْرِكِينَ وَلَوْ كَانُوا أُولِي قُرْبَىٰ مِنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُمْ أَنَّهُمْ أَصْحَابُ الْجَحِيمِ ﴾

«На пайғамбар ва на бу мўминлар — агар мушриклар қариндошлари бўлса ҳам — уларнинг дўзах эгалари эканликлари аниқ маълум бўлгани-



**дан кейин, у мушриклар учун мағфират сўрашлари  
жоиз эмасдир» (Тавба: 113).**

Айтиб ўтганларимиз кофирлар билан дўстлашишнинг ҳаром эканини ифодалайдиган мисоллар шодасидир. Аллоҳ таолодан эътиқод соғломлиги ва иймон қувватини сўраймиз. Мададкор – Аллоҳнинг ўзгинасидир!

**Манба: Ҳикмат нури веб саҳифаси**

